

Ер участкасини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши бўйича ташаббускор ва мулк эгалари орасида ўтказилган очик муҳокама юзасидан

Б А Ё Н 57

2025 йил 4 Июл

Қорақўрғон МФЙ

Бошланди: соат _____

Тугади: соат _____

Ташаббускор: Туман ҳокими, Б.Салимжонов

Мулк эгаси: 9 нафар фуқаролар
(илова рўйхати)

Баёнлаштирувчи: Ж.Акрамов

Таклиф этилганлар: Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Джафаров,
Туман ҳокимининг ўринбосари А.Рахматуллаев, ,
“Консинвентар баҳо” МЧЖ ходими А.Исоқов,
Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
бўлими бошлиғи Ш.Тўлабоев, Туман кадастрлар
палатаси бошлиғи Ж.Абдулхамидов, Қорақўрғон
МФЙ раиси Ё.Тўхтаназаров. Юқори МФЙ раиси
С.Қўчқоров

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан чегарадош Чуст тумани
Қорақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи (чегара зона) чегара
сими йўналишига тушган мулк эгалари билан очик муҳокамаси

(Б.Салимжонов, Б.Джафаров, А.Рахматуллаев, А.Исоқов, Ё.Тўхтаназаров)

Чуст тумани ҳокими Б.Салимжонов (матнда “ташаббускор”-деб юритилади) Чуст тумани, Қорақўрғон МФЙда яшовчи 35 нафар фуқаролар (матнда “мулк эгалари”-деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат чегарасини қўриқлаш ва химоя қилиш, Давлат чегарасини муҳандислик жихатидан жихозлаш доирасидаги ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётгани муносабати билан, мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 5 майдаги 187-26-сонли қарорнинг ижросини амалга ошириш мақсадида Қорақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида чегара сими йўналишига тушганлиги ва ушбу жойда чегара муҳандислик иншоотлари (2-қатор сим тусик орасида рокад йўл) барпо этилишини билдириб, мулк эгаларига қарорларни ва бошқа ҳужжатларни кўрсатиб, кадастр ҳужжатида асосан тегишли бўлган барча мулкларни мустақил баҳоловчига бозор нарҳида баҳолатишни, баҳоланган қийматни белгиланган тартибда келишган ҳолда тўлаб берилиши таклифини билдирди.

Шундан сўнг, “Ташаббускор” Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (ЎРҚ-781-сонли) Қонун билан таништириб, бузилишга тушган мулкларни аниқлаш, уларни баҳолаш, қийматини тўлаш тартибини тушунтирди.

Қорақўрғон МФЙ ҳудудидан кўчиришга тушган хонадон эгаларини ерга ва мулкга тегишли ҳужжатлари текширилиб, Туман кадастр агентлиги базасидан солиштириб кўрилганда 35 та хонадон эгаларининг атиги 6 нафарида ер ва мулкга бўлган ҳужжатлари тўла-тўқислиги, 19 нафарида кадастр ҳужжатлари борлиги бироқ эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат йўқлиги, 10 нафарида эса умуман ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмаслиги маълум бўлганлигини, ҳужжатларидаги камчиликлари аниқланган фуқароларнинг шахсий бепарволиги оқибатида вужудга келганлигини, яъни 2018 йили Давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шароитлардан ва берилган имтиёзлардан тўғри фойланмаганликларини алоҳида таъкидлади.

“Мулк эгалари”дан келиб тушган “Бизни хонадонлар ва мол-мулкимизни ким баҳолайди-ю, бу амалиёт давлат томонидан молиялаштириладими?” деган саволга, “Консинвентар баҳо” МЧЖ ходими А.Исоқов жавоб бериб баҳолашни фуқаролар ўз хоҳишлари билан исталган баҳоловчи идорага мурожат этган ҳолда, ўзларининг маблағлари эвазига баҳолатишлари лозимлигини тушунтириб ўтди. Сўзи давомида баҳолаш нархи ҳар бир хонадон учун энг кам иш ҳаққининг 10 баробарига тенг бўлган миқдор деб белгиланганлигини айтди. Бундан ташқари баҳолатувчи “Мулк эгалари” ўз мулкни баҳолатиш учун Республикаимизни исталган ҳудудидан баҳоловчи ёллаши мумкинлиги таъкидлаб ўтди.

Кейинги сўзни Қорақўрғон МФЙ раиси Ё.Тўхтаназаров олиб кўчиришга тушган “Мулк эгалари”га мурожаат қилиб неча йилдан буён амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш вақти келганлиги, яъни чегарани сим билан тўсиш асносида чегара бузилишлари камайиши, контрабандани олди олинишини, чегараолди маҳаллалар фуқаролари эмин-эркин ҳаёт кечиришлари учун қилинаётган сайи ҳаракатлар эканлигини тўғри тушунган ҳолда уюшқоқлик билан хонадон ва мулкларни баҳолатиб янги жойга кўчиб ўтиш кераклиги таъкидлади.

“Ташаббускор” Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (ЎРҚ-781-сонли) Қонун билан яна бир бор таништириб ўтилди.

“Мулк эгалари” “Ташаббускор” таклифи, берилган тушунчалар ва такдим қилинган барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиш учун ҳамда маслахатлашиб олиш мақсадида бир оз вақт сўрашди.

Сўнг “Мулк эгалари” такдим қилинган барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, “Ташаббускор” таклифига рози бўлиб, ўзларига тегишли бўлган барча мулкларни мустақил баҳоловчидан ўзлари бозор баҳосида баҳолатиб, баҳолаш ҳисоботини “Ташаббускор”га такдим қилишларини билдиришди.

“Ташаббускор” Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Джафаров, Туман ҳокимининг ўринбосари А.Рахматуллаев, Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Тўлабоев ва Туман кадастрлар палатаси бошлиғи Ж.Абдулхамидовларга “Мулк эгалари”ни мулкларини қийматини аниқлашда зарур бўладиган барча ҳужжатларни етказиб беришда амалий ёрдам бериш лозимлигини тушунтирди.

Юқоридагиларга кўра, “Ташаббускор” ва “Мулк эгалари” ўртасидаги ўзаро келишув муносабатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (ЎРҚ-781-сонли) Қонун 20-моддасига қўлланиб йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Чуст тумани ҳокими Б.Салимжонов (матнда “ташаббускор”-деб юритилади) Чуст тумани, Қорақўрғон МФЙда яшовчи 35 нафар фуқаролар (матнда “мулк эгалари”-деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат чегарасини кўриқлаш ва химоя қилиш, Давлат чегарасини муҳандислик жихатидан жихозлаш доирасидаги ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётгани муносабати билан, мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 5 майдаги 187-26-сонли қарорнинг ижросини амалга ошириш мақсадидан Қорақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида чегара сими йўналишига тушган ва кўчирилиши лозим бўлган аҳоли хонадонлари ва маҳаллий Кенгаш “Мулк эгалари” билан очиқ муҳокама ҳақидаги қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. “Ташаббускор” ва “Мулк эгалари” орасида ўтказилган очиқ муҳокама бўйича низо ва эътирозлар бўлмаганлиги сабабли Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Тўлабоев ва Туман кадастрлар палатаси бошлиғи Ж.Абдулхамидовлар “Мулк эгалари”га мулкларини баҳолатиш учун зарур бўладиган ҳужжатларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Джафаров ҳокимлик ва “Мулк эгалари” орасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (ЎРҚ-781-сонли) Қонунида белгиланган тартибда келишув имзолаш битими нотариал тартибида тасдиқланиш чораларини кўрсин.

4. Мазкур очиқ муҳокама баёни ижросини таъминлаш Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Джафаров зиммасига юклатилсин.

5. Баённома икки нусхада тузилиб, баённома “Мулк эгалари”га таништирилиб, мулк эгаларини имзоси билан тасдиқланиб, бир нусхаси Туман ҳокимлигининг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича бўлимида сақлансин.

Ташаббускор

Туман ҳокими



Б.Салимжонов

Туман ҳокимининг
ўринбосари

Б.Джафаров

Баёнлаштирувчи:

Ж.Акрамов

Мулк эгалари:

Жилтиров Муродбек Умаралиевич

Каримова Хайити Буртаевна

Эшматов Бахтиёр Қодирович

Хатамова Дилноза Рашиджоновна

Курбонова Кўпайсин XXX

Шабданова Мария Нурматовна

Салибаев Нурали Нишонович

Қорақўрғон МФЙ раиси; Ё.Тўхтаназаров

Сотибеков Шабраши Қодирович



Қодирхонов Раҳимулло Ҳашизович

Юқори МФЙ раиси



С.Қўрғонов